



**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



## А ҚШНИНГ COVID-19ГА ҚАРШИ КУРАШ УЧУН ЎЗБЕКИСТОНГА АЖРАТГАН КЎМАГИГА ОИД МАЪЛУМОТ ВАРАҒИ

Америка Қўшма Штатлари ҳукумати Ўзбекистон ҳукуматининг COVID-19 пандемиясига қарши олиб бораётган саъй-ҳаракатларини қатъий қўллаб-қувватламоқда, бунинг учун қутқарув жиҳозлари, лаборатория ускуналари ва тиббий таъминот материаллари ҳамда техник кўмак етказилмоқда.

4 июн ҳолатига кўра, ушбу кўмак қуйида кўрсатилганидек, тахминан 6 миллион долларни ташкил этади.

- Америка Қўшма Штатлари Халқаро Тараққиёт Агентлиги (ЮСАИД) Ўзбекистонга COVID-19 га қарши кураш учун умумий қиймати қарийб 3,9 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи бир нечта траншдан иборат кўмакни тақдим этди.
- Март ойида, Ўзбекистонда COVID-19 вирусининг биринчи ҳоллари тасдиқланиши биланоқ, ЮСАИД Ўзбекистонга мамлакат тиббиёт ходимларини COVID-19 дан асраш учун шахсий ҳимоя воситаларини (ШХВ) тақдим этди. Ушбу биринчи транш 10000 ниқоб, 10000 текширув қўлқопи, 1400 изоляция халат, 200 кўзойнак ва 200 та респиратордан иборат бўлган. Мазкур транш АҚШ давлат котибининг ШХВ таъминотини тўхтатиб туришга оид 2020 йил 7 апрелда қилган эълонидан аввал етказилган.

- Кўмакнинг иккинчи траншида, ЮСАИД Ўзбекистонда фойдаланиш учун жами 850 000 долларга тенг маблағ ажратди. Ушбу маблағлар қуйидагича ишлатилмоқда:
  - миллий лаборатория тизимларини мустаҳкамлаш, лабораториялар ва тиббий муассасаларда инфекцияларнинг олдини олиш ва назорат қилиш, COVID-19 назорати ва тезкор чора кўришни такомиллаштириш, инфекцияланган одамларни даволашни яхшилаш ва аҳолининг хабардорлигини ошириш учун техник ёрдамни қўллаб-қувватлаш учун 60 000 доллар ажратилди.
  - кенг миқёсли синовлар учун лаборатория тизимларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек лабораторияларда инфекцияларнинг олдини олиш ва назорат қилиш учун техник ёрдам ва ҳаридлар учун (шу жумладан тест материалларини сотиб олиш учун) 400 000 АҚШ доллари миқдориди маблағ ажратилди.
  - COVID-19 тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш, жамоатчиликни жалб қилиш ва кўнгиллиларни жалб қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлашга 388 198 АҚШ доллари ажратилди.
- 22 май кун ЮСАИД Ўзбекистоннинг COVID-19 га қарши курашиш ва унинг тарқатилиши олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча 3 миллион доллар ажратишини эълон қилди. ЮСАИДнинг “Маҳаллий соғлиқни сақлаш тизимининг барқарорлиги” лойиҳаси ушбу молиявий кўмакдан ташхис қўйиш салоҳиятини юксалтириш, таъминот занжирини бошқариш, беморлар картотекасини такомиллаштириш ва COVID-19ни кузатиш тизимлари ҳамда тезкор жавоб чоралар кўриш, жумладан техник ёрдам, шунингдек тиббий / лаборатория ускуналари ва материалларини сотиб олиш ва тарқатиш учун фойдаланади. ЮСАИД Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология осойишталиги агентлиги билан биргаликда ушбу маблағ Ўзбекистоннинг энг зарур эҳтиёжларини қондиришга қаратилган режани янгилаш ва кенгайтириш учун яқиндан ишламоқда.
- Ўз навбатида АҚШнинг Касалликларни назорат қилиш марказлари (CDC) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг энг долзарб эҳтиёжларини қондириш учун 2,07 миллион доллар ажратди. Ушбу маблағ лаборатория жиҳозлари ва COVID-19ни аниқлаш учун тест ускуналари, тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, Ўзбекистон чегара пунктларида касаллик ҳолларини кузатиш учун техник кўмак, шунингдек, COVID-19 билан касалланган беморларни даволаш бўйича кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун сарфланади.
- Юқоридаги параграфда қайд этилган CDC томонидан тақдим этилган молиявий кўмакдан ташқари, CDCнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология осойишталиги агентлигини қўллаб-қувватлаб келмоқда, хусусан ўқув курсларини ташкиллаштириш ва фавқулодда амалиётлар, лабораторияларни жиҳозлаш, инфекцияларнинг олдини олиш ва назорат қилиш, мамлакатга кириш пунктларида скрининг олиб бориш, хатарларни бошқариш ва жамоатчиликнинг иштироки ва касалликни нахорат қилиш учун техник ёрдам кўрсатмоқда. CDC халқаро техник қўлланмаларнинг рус тилига ҳам таржима қилинишини қўллаб-қувватлади.